

“МИФТОҲ-УЛ АДЛ” АСАРИДА САЖЪ ВА ТАЗОД САНЪАТЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Муҳаммадсолиев Сайфуллохон Ҳидиятилла ўғли
*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети докторанти*

Аннотатсия: Мазкур тезисда Хожа асари “Мифтоҳ ул-адл” ҳикояларининг бадиий-услубий хусусиятлари таҳлил қилинади. Асар ҳикояларининг аксарияти тўртлик ёки қитъа билан якунланиб, муаллиф ифода этмоқчи бўлган гоя ана шу шеърӣ ҳулосалар орқали мустаҳкамланиши кўрсатиб берилади. Тадқиқотда айниқса хат (китобат) санъати, тазод ва сажъ каби бадиий воситаларнинг қўлланилишига алоҳида эътибор қаратилган. “Тўғрилиқ ҳақида”ги ҳикоя мисолида алиф ва лом алиф ҳарфлари шакли орқали ростлик ва эгрилик гоясининг рамзий ифодаланиши очиб берилади. Шунингдек, ҳикоя ичида ҳикоя усулида келган қиссаларда сажъ санъатининг эпик насрдаги намуналари таҳлил этилади. Тезисда асар тилининг содда, халқчил ва равон эканлиги, арабча-форсча сўзлар нисбатан кам учраши таъкидланиб, “Мифтоҳ ул-адл” XVI аср ўзбек адабий тили ҳамда туркий бадиий наср тараққиётини ўрганишда муҳим манба эканлиги илмий асосланади.

Калит сўзлар: *Хожа, бадиий санъатлар, хат (китобат) санъати, тазод, сажъ, ҳикоят, қитъа, туркий бадиий наср, XVI аср ўзбек тили.*

“Мифтоҳ-ул адл” ҳикояларининг аксарияти тўртлик ёки қитъа билан якунланади. Хожа ҳикояда ифодалаган мазмунни ҳулоса сифатида ана шу сатрларга сингдиради. Асарда учрайдиган “Тўғрилиқ ҳақида”ги ҳикоя сўнггида берилган қуйидаги шеър ҳам бадиий санъатлар устига қурилган:

Ҳар кимки, ростликни қилди шиор ўзига,

Бунёди илан ҳар иш бўлди жаҳонда маҳкам.

Гар алифдек рост бўлсанг, бол ичида тут мақом,

Лом алифдек бўлсанг, эгри бўл бано ичра мудом.

Маъноси: Агар ҳар бир киши ўзига ростликни шиор қилиб олса, дунёнинг ҳар бир иши мустаҳкам бўлади. Муалли ўз фикрини китобат санъати асосига қурилган кейинги сатрлар билан якунлайди.

Китобат (хат) санъати - араб алифбоси ҳарфлари шаклидан лирик (эпик) манзаралар чизишда, поэтик образ яратишда фойдаланиш усули. Хат санъати орқали тик қоматни “алиф”га, эгик қоматни “дол”га, эгриликни “лом алиф” га қиёсланади, шу тарифа поэтик образ яратилади — муайян гоя олға сурилади.

Хат санъати кичик лирик жанрлар (газал, қитъа маснавий, фард...)да учрайди. Баъзан эпик асарлар (ҳикоятлар)да қиссадан ҳисса тарзида, панд-насихат, дидактик хулосани ифодалаб келиши мумкин.

Ҳикоятда ривоят қилинишича, Султон Санжари Мозий Марвда бир шоҳона айвон қурдирмоқчи бўлибди. Айвон учун ситунбоп бир ёғоч топиш қийин бўлибди. Ниҳоят бир кекса аёлнинг ҳовлисида тик ўсган бир ёғач борлигидан хабар топишади. Аммо аёл ҳар қанча қилса ҳам оғачни сотишга унамайди. Султон тилло-тангалар эвазига оғачни сотиб олади. Хуллас олтинпуш ситунли зарнигор айвон битибди. Айвоннинг томошасига халқ йиғилибди.

Султон берган заркаш тўнни кийиб олган кампир ҳам томошага келибди. Кампир олтинга бурканган оғачини кўриб хурсанд бўлибди ва ўз оғачининг ёнига келиб дебди: Эй оғач ростликингдин (тўғрилигингдан) ўзингни ҳам тиллопўш қилдинг, мани ҳам тиллапўш қилдинг... Шундан сўнг муаллиф қиссадан ҳиссада тарзидаги қитада шундай дейди:

“Алиф” ва “лом алиф” ҳарфларининг шаклларини эслайдиган бўлсак, алифдек тўғри бўлсанг, бол (асал) ичида мақом тутасан, лом алифдек эгри бўлсанг, бало ичра бўл мудом” деган панд-насихат келиб чиқади. Демак, муаллифнинг ҳикоятда олга сурмоқчи бўлган фикри хат санъати оркали чиройли ифода этилган.

Шунингдек мисраларда тазод санъати ҳам моҳирона қўлланилган (Алиф-лом ҳарфлари ва рост-эгри).

Ҳикоя ичида ҳикоя бўлиб келган “Лаклак” қиссасида эпик асарларда учрайдиган сажъ намунасини ҳам кўришимиз мумкин: “Сизлар билурмисизлар, ман ким турурман. Доим ман минора устида ўлтурурман, таки минорадан туруб масжидга сонғурман; гуноҳдан кўркмасанг, минора бошидин масжидга сонғурган(нинг)онти бўлурму”

Сажъ - бадий матнда ишлатилган айрим гап бўлакларининг ё вазнда, ё қофияда ёхуд ҳар иккаласи (вазн ва қофия)да мослашувидир ⁴. Сажъ санъати дастлаб халқ, оғзаки ижодида пайдо бўлган. Ўзбек халқ эртаклари, дostonларидаги анъанавий ўринлар (бошланма, персонажлар тавсифи, рухий ҳолатлар, пейзаж, афсонавий қасрлар)да сажъ қўлланилган. Сажъ тасвирнинг таъсирчанлигини оширади — ўқувчининг диққатини тортади. У халқ оғзаки ижодидан ёзма адабиётга ўтган. Мумтоз адабиётимизда сажъ санъатида Алишер Навоий, Заҳриддин Мудаммад Бобур, Мудаммадшариф Гулханий ва бошқа адиблар юксак маҳорат кўрсатган.

“Мифтоҳ ул-адл”даги қуйидаги ҳикояни бадий таҳлил қиладиган бўлсак, ҳикоянинг ўқувчига осон ва тушунарли халқ тилида ёзилгангига гувоҳ бўламиз:

⁴ Саримсоқов Б. Сажъ. Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, 2-сон, 74-бет.

“Кунлардан бир куни Искандар Зулқарнайн Ҳамадон шаҳрига келиб хирож талаб қилди. Ҳамадон беги баҳодир эрди, хирож бермади, урушти. Тақи бекнинг оти Доро эрди. Нечаким уруштилари, Дорони енга билмадилар. Искандар айтди: Не хийла қилиб Дорони тутғаймиз? Вазирлар айтди: Доронинг бир иноқ қули бор, элчилар йиборинг тақи айтсунлар, сиз Дорони ўлдурасиз, ҳарна муродингиз бўлса, они қилурмиз. Искандар элчи йиборди. Шулар сўзни айтиб, элчи боргандин сўнг шулар хабарни айтибтурур. Ондин сўнг шу иноқ икки қул бир кеча Искандарнинг ёнига келиб ваъдани бир ерда қўюб ўлдурмоқчи бўлдилар. Ондин сўнг Искандарнинг бир оти Зулқарнайн эрди. Яна Искандар айтиди: сиз иккинги Дорони ўлдурсангизлар, лашкарда барчадин юқори ўрун берайин, деб ваъда қилди, эрса бу қуллар бош урдилар. Тонгласи икки бир-бирисига саф тортув рўбаро бўлдилар. Ондин сўнг бу икки иноқ қул Дорони ўлдуриб, бошини олиб келдилар, эрса Искандар Дорони буюрдиким яхши қилиб эъзоз қилиб қўминглар, ондин сўнг Дорони қўмғон ерда икки дор қилинг, бу икки иноқ қулни ўлдуринг, дорга осинг, деб амр қилди. Улар қуллар айдилар: эй Искандар, бизга не ваъда қилиб эрдинг? Одил турурсан, нечун золим султонлартек ваъдани бузарсан? Искандар айтди: мен ваъдамни бузмасман. Доро сизга шунча йил яхшилиқ қилиб, сизларга ёнидан ўрун берди. Шартимга бўйсунганингиз билан сизлар хоин турурсизлар, мунча вақтдан бери Доро сизларни асради, сизларга ўрун берди, анинг ҳақини билмадингиз, анга ёмонлиқ қилдингиз, ўлдурдингиз. Эмди менинг ҳақимни тақи билмассизлар. Эмди бу лашкарга сизларга юқори ўрун берурман, - дор турур, - ман шартимда турурман. Сизнинг жазойингиз бу турур”.

“Мифтоҳ ул-адл” асарининг ўзбек тили тарихини ўрганиш нуқтайи назаридан қимматли ва бой манба эканлигидир. Ҳикоялар содда, равон ва халқ жонли сўзлашув усулида ёзилганки, бундан беш аср муқаддам яратилганлигига қарамасдан, ҳозирги замон ўқувчисига осонлик билан етиб боради. Таъкидлаш жоизки Ҳожа ҳикоялари билан бир вақтда, ҳатто уч-тўрт аср кейин ҳам яратилган баъзи мумтоз намуналаримизга нисбатан тушунилиши мураккаброқ, арабча-форсча сўз ва иборалар деярли учрамайди. Асар туркий тилда яратилган бадий насрнинг гўзал намунаси, балки XVI аср ўзбек тилининг бой лексик ҳамда грамматик хусусиятларини ўзида ифодалаган ёзма ёдгорлик сифатида ҳам қимматлидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари.-Тошкент. Гафур Ғулом Номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1995;
2. Айний С. Асарлар. Саккиз томлик. Саккизинчи том.-Тошкент: Гафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967.

3. Алибек Рустамов. Навоийнинг бадий маҳорати. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент-1979 Б.Б 156-160.

Адизова.И Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (XVI-XIX) Тошкент. ФАН. 2006.